

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

“ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ” ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛДИ



Нукус шаҳридаги Ёшлар марказида “Ташаббусли бюджет — маҳалла ривожига учун янги имконият: муваффақиятли лойиҳалар тажрибаси” мавзусида амалий ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Фарход Эрманов, туман ва шаҳарлар масъуллари, маҳалла раислари, маҳаллаларга бириктирилган банк ходимлари ҳамда соҳа вакиллари иштирок этди.

Семинарда Қорақалпоғистонда шу пайтгача “Ташаббусли бюджет” лойиҳаларида ғолиб бўлмаган 89 та маҳаллага алоҳида эътибор қаратилди. Илгари ғолиб бўлган маҳалла вакиллари лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш, аҳоли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва жамоатчиликни жалб этиш бора-сидаги тажрибалари билан ўртоқлашди.

Шунингдек, ғолиб маҳаллаларнинг бундай маҳаллаларни қўллаб-қувватлаши ва амалий кўмак кўрсатиши бўйича келишиб олинди. Маҳаллаларда лойиҳаларни самарали ташкил этиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ҳамда лойиҳаларни сифатли амалга ошириш юзасидан тавсиялар берилди.

Маҳаллада ҳар кунни ўнлаб масалалар кўтарилади. Кимдир йўл, кимдир ёритиш мосламаси, яна биров болалар майдончаси ёки аҳоли учун зарур хизмат шохобчаси ташкил этилишини сўрайди.

Давоми 2-саҳифада.



ЖАЗОДАН ОЛДИН — ИМКОНИЯТ, КАФИЛЛИКДАН КЕЙИН — МАСЪУЛИЯТ!

“МАҲАЛЛА КАФИЛЛИГИ”, БУ — ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСНИ ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ ЭМАС, УНИ ҚАЙТА ЖИНОЯТ ЙЎЛИГА ҚАЙТМАСЛИГИ УЧУН МАҲАЛЛА ЗИММАСИГА АНИҚ МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИГАН ЯНГИ ЁНДАШУВДИР

Жиноятчиликка қарши курашишда фақат жазони кучайтиришнинг ўзи етарли эмас. Айниқса, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахс билан ишлашда унинг кейинги тақдири муҳим. Ана шу жиҳатдан “Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармонида белгиланган “маҳалла кафиллиги” тизими эътиборга молик.

Унга қўра, фуқаронинг оилавий шароитидан келиб чиқиб, фуқаролар йиғини кенгашининг коллегиял қарори асосида шахсга нисбатан енгиллик бериш ҳақида қилинган муражаатни суд-тергов органлари қаноатлантирса, “маҳалла еттилиги” кафилликка олинган шахсни қайта тарбиялаш, зарур ҳолларда касбга ўргатиш, бандлигини таъминлаш ва таълимга йўналтиришга масъул бўлади.

Демак, бу ерда гап енгиллик сўрашнинг ўзи ҳақида эмас, ундан кейинги масъулият ҳақида кетмоқда.

Давоми 2-саҳифада.

БАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУВОР

МАҲАЛЛА ЎЗ ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТИГА ЎЗИ ЭГА БЎЛАДИ



Бу эҳтиёжларнинг ҳар бири алоҳида қаралганда кичик-дек туюлиши мумкин, аммо улар маҳалла ҳаётининг кундалик сифатига бевосита таъсир қилади. Шунинг учун маҳалла фаолиятида муаммони аниқлашнинг

ўзи етарли эмас — уни ҳал қилиш имконини берадиган иқтисодий манба ҳам бўлиши керак.


Маҳаллада ташаббус бор, эҳтиёж аниқ, одамлар нима қилиш кераклигини яхши билади. Аммо айрим ҳолларда маса-

ланинг ечими маблағга бориб тақалади. Демак, маҳалланинг иқтисодий имкониятини кенгайтириш — фақат молиявий масала эмас, балки жойларда аниқланган муаммони тезроқ ва самарали ҳал этиш тизимини яратиш демакдир.

Шу маънода, “Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони билан маҳалланинг иқтисодий имкониятларини оширишга қаратилган янги тартиблар белгилангани айти мудида бўлди. Уларнинг моҳияти, менимча, битта муҳим ғояда мужассам: маҳалладаги мавжуд имконият маҳалла ривожига хизмат қилиши лозим.



ҚАРИНДОШЛИК РИШТАСИ
ФАРЗАНД ТАҚДИРИГА
ТУГУН БЎЛМАСИН...



“СИЗНИНГ
НОМИНГИЗГА КРЕДИТ
РАСМИЙЛАШТИРИЛМОҚДА...”

БУГУНГИ СОНДА:

Инсонни уйғотувчи уйғоткич эмас, эртанги кун ҳақидаги тасаввурлардир

Ёшларга “ўқишга кир” дейишдан олдин “нима учун ўқимоқчисан?”, “бу касб учун қандай инсон бўлишинг керак?”, деган саволларни бериш керак.

5-с.

Ижтимоий ҳимояда “бар- қарор натижага эришилди”, деган босқич муҳимроқ

Кредит олган икки оиланинг бугунги даромади қанча? Касб ўрганган 6 кишидан нечтаси мутахассислиги бўйича ишляпти?

6-с.

“Еттилик” тинчлик фақат инспектор вазифаси эмас, деган қатъий фикрда

“Бир болага етти маҳалла — ота-она” деган нақл замирида ҳаётини ҳақиқат ётади. Чиндан ҳам, ёшлар тарбиясига барча бирдек дахлдор ҳисобланади.

8-с.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВга тадбиркорлар билан навбатдаги очиқ мулоқотга тайёргарликнинг бориши юзасидан ахборот берилди.



БЕШ ЙИЛЛИК ДАСТУР доирасида 721 та маҳаллада трансформатор ва электр тармоғи, 200 та маҳаллада газ тақсимлаш қурилмаси ва газ тармоғи янгиланади.



2026 йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон аҳолиси **ПРЕЗИДЕНТ ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИГА** 557 минг 254 марта мурожаат қилди.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

ТАРТИБ

Жазодан олдин — имконият, кафилликдан кейин — масъулият!



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

НЕГА БУ МАСЪУЛИЯТ МАҲАЛЛАГА БЕРИЛЯПТИ? Бунинг мантикий сабаби бор. Суд — шахснинг қилмиши-га ҳуқуқий баҳо беради. Тергов — жиноятнинг ҳолатларини аниқлайди. Аммо инсоннинг кундалик ҳаёти — оиласи, иш-сизлиги, касбсизлиги, ижтимоий муҳити, муаммолари ва имкониятлари маҳаллага яқин. Жиноятнинг сабаби баъзан ҳуқуқий эмас, ижтимоий муаммо бўлади. Ишсизлик, даромадсизлик, таълимдан узилиш, нотўғри муҳит, оилавий муаммо ёки назоратсизлик инсонни хато йўлга етаклаши мумкин. Шунинг учун шахсни жазолаш билан масала тўлиқ ҳал бўлмайди. **Жиноятга олиб келган омил бартараф этилмаса, қайта жиноят хавфи сақланиб қолаверади.** Маҳалла кафиллигининг моҳияти ҳам шунда: шахсни фақат назорат қилиш эмас, унинг ҳаётидаги муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилиш. Яъни **кафиллик — инсонга ишонч билдириш билан бирга, уни ўзгартириш учун амалий шарт-шароит яратишдир.** Кафилликка олинган шахс билан ишлашда ҳар бир ҳолат бўйича аниқ мақсад белгиланиши керак. Масалан, унинг доимий иш жойи борми? Касбга эга бўлдимми? Таълимга қайтдимми? Оилавий муҳити барқарорлашди-ми? Ҳуқуқбузарликка олиб келиши мумкин бўлган омиллар бартараф этилдимми?

Шу нуктаи назардан, маҳалла кафиллиги бўйича индивидуал иш режаси жорий этилиши мақсадга мувофиқ. Унда шахснинг муаммоси, масъул “еттилик” аъзоси, амалга ошириладиган чора ва натижа муддати аниқ белгиланиши мумкин. Чунки “суҳбат ўтказилди”, деган кайд билан инсонни қайта тарбиялаб бўлмайди.

Натижа ишга жойлаштиришда, касб беришда, таълимга қайтаришда ва энг муҳими — қайта ҳуқуқбузарликка йўл қўймасликда намоён бўлиши керак.

УЧ ЙИЛЛИК МЕЗОН — МУҲИМ РАҒБАТ

Фармонда кафилликка олинган шахс **3 йил давомида жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этмаса**, уни тарбиялашда фаоллик кўрсатган “маҳалла еттилиги” аъзосини қўшимча рағбатлантириш чоралари белгилангани ҳам муҳим. Бу ерда бошқарувнинг яна бир замонавий тамойили —

натижа учун рағбатлантириш кўринади. Яъни маҳалла аъзоси фақат вазифани бажаргани учун эмас, унинг амалий самараси учун рағбат олади. Бироқ бу ерда ҳам мезонлар аниқ бўлиши керак. Ким “фаол” деб топилади? Унинг ҳиссаси қандай баҳоланади? Натижага кимнинг хизмати кўпроқ бўлди? Шунинг учун **рағбатлантириш тартибида аниқ ва ўлчанадиган мезонлар белгилаш зарур.**

Яна бир жиҳат: янги тизимнинг самараси, аввало, уни қандай амалга оширишга боғлиқ. Маҳалла “кафилликка олдиқ”, деган қарор билан чекланиб қолса, бунинг жиноятчилик профилактикасига таъсири сезилмайди. Шунинг учун учта тамоғил муҳим:

Биринчиси — индивидуал ёндашув. Ҳар бир шахснинг жиноятга олиб келган сабаби алоҳида ўрганилиши керак.

Иккинчиси — манзилли кўмак. Ишсиз одамга иш, касбсизга касб, таълимдан узилганга таълим имконияти яратилиши лозим.

Учинчиси — натижа мони-

торинги. Кафилликка олинган шахснинг кейинги ҳолати маълум муддат давомида кузатиб борилиши зарур.

Шунингдек, “маҳалла еттилиги” ва пробация ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида вазифалар аниқ ажратилиши керак. Маҳалла уларнинг ўрнини босмайди. Унинг вазифаси — **ижтимоий мослашув ва профилактикага қўмаклашиш.** лаш зарур.

ЭНГ КАТТА НАТИЖА — ҚАЙТА ЖИНОЯТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Маҳалла кафиллигини баҳолашда фақат қанча шахсга енгиллик сўралгани ёки қанчаси кафилликка олингани ҳисобланса, мақсадга эришиб бўлмайди. Асосий савол бошқа: **кафилликка олинган шахс кейин ўз ҳаётини ўзгартири олдимми?**

У ишли бўлдимми? Оиласи барқарорлашди-ми? Касб эгалладими? Таълимга қайтдимми? Қайта ҳуқуқбузарлик содир этмадимми? Ана шу кўрсаткичлар маҳалла кафиллигининг ҳақиқий самарасини белгилайди. Шу

боис келгусида **“Рақамли маҳалла”** тизимида шахснинг шахсий маълумотларини ошкор қилмаган ҳолда, кафиллик жараёни бўйича ички мониторинг тизимини жорий этиш ҳам мақсадга мувофиқ. Бу қайси маҳаллада қандай ёндашув самара берганини таҳлил қилиш имконини беради.

ЖАЗОДАН КЎРА, ҚАЙТАРИШ МУҲИМ БЎЛГАН ВАЗИЯТЛАР БОР

Албатта, жиноятга нисбатан ҳуқуқий баҳо ва қонун устуворлиги сақланиши шарт. Аммо биринчи марта хато қилган, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахснинг кейинги ҳаётини бутунлай издан чиқармаслик ҳам муҳим.


Чунки бир инсоннинг хато қилганидан кейин унга иккинчи имконият бериш — жавобгарликни бекор қилиш эмас. **Аксинча, унга берилган ишончни оқлаш мажбуриятини юклашдир.** Маҳалла кафиллиги ана шу ишонч ва масъулиятни бир нуктада бирлаштиради.

Маҳалла енгиллик сўрайди — аммо унинг ортидан масъулиятни ҳам олади.

Инсонга имконият берилди — аммо у ҳам бу имкониятни оқлаши керак.

Жамият ишонч билдиради — маҳалла эса бу ишончнинг натижасини таъминлашга ҳаракат қилади.

Шу маънода, **“маҳалла кафиллиги”нинг асл мақсади — жиноятни оқлаш эмас, жиноятга қайтишнинг олдини олиш; жазони бекор қилиш эмас, инсонни тўғри йўлга қайтариш учун имконият яратишдир.** Энг муҳими, бу жараёнда маҳалла “кафил” сўзининг мазмунини чуқур англаши керак: **кафиллик — имтиёз эмас, ишонч билан бирга келадиган масъулиятдир.**



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

СЕМИНАР

КАСББЙ БИЛИМ ВА АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАР УЙЎНЛИГИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида маҳалла раисларининг касббй билим ва амалий кўникмаларини масофавий ўқитиш орқали мунтазам ошириб бориш бўйича навбатдаги семинар ўтказилди. Унда 8 992 нафар маҳалла раислари онлайн шаклда иштирок этди.



Мулоқот давомида маҳалла раисларининг “E-ijtimoiy profilaktika” ахборот тизими орқали аҳоли ўртасида ижтимоий профилактика тадбирларини ташкил этиши, шунингдек, “маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали мувофиқлаштириши масалалари муҳокама қилинди.

Қолаверса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик ривожлантириш масалалари қўмитаси масъуллари “Ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-моҳияти, мазкур йўналишда маҳалла ва давлат ветеринария хизмати ходимларининг ҳамкорлигини самарали ташкил этиш бўйича маълумотлар берди.

Семинарда, шунингдек, маҳалла раисининг маҳалла банкири билан ҳамкорликда **“Рақамли маҳалла” платформасига** маҳалланинг иқтисодий ҳолати ва фаолиятига оид маълумотларни киритиши, уларнинг ижросини назорат қилиши ҳамда мониторинг юритиши тартиби тушунтирилди.

Ҳар бир мавзу якунида иштирокчилар билан **савол-жавоблар** ташкил қилиниб, маҳалла раисларининг амалий фаолиятида юзага келаётган масалалар юзасидан зарур тушунтириш ва тавсиялар берилди.

Бундай масофавий семинарлар маҳалла раисларининг касббй салоҳиятини мунтазам ошириш, янги талаб ва вазифалар бўйича ягона ёндашувни шакллантириш ҳамда олинган билимларни бевосита амалиётга татбиқ этишга хизмат қилмоқда.

БАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУВОР

МАҲАЛЛА ЎЗ ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИАТИГА ЎЗИ ЭГА БЎЛАДИ



МАҲАЛЛА ҲУДУДИДАГИ МАЙДОНИ 5 МИНГ КВАДРАТ МЕТРГАЧА БЎЛГАН ДАВЛАТ КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ СОТИШДАН ТУШАДИГАН МАБЛАҒЛАР МАҲАЛЛАДА ҚОЛДИРИЛАДИ.

Бу янгиликнинг энг муҳим жиҳати шундаки, маҳалла ҳудудида турган, аммо самарали фойдаланилмаётган давлат мулки энди ҳудуд ривожига хизмат қиладиган аниқ молиявий манбага айланади.

Амалда маҳалланинг эҳтиёжи жойидаёқ кўриниб турибди. Бир кўчада йўл таъмири керак, бошқа бир ҳудудда тунги ёритиш етарли эмас, яна бир жойда болалар майдончаси ёки аҳоли дам оладиган кичик жамоат маконига эҳтиёж бор. Илгари бундай масалаларнинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан юқори ташкилотлардан маблағ ажратилишига боғлиқ эди.

МАҲАЛЛА БИНОЛАРИНИНГ БЎШ ТУРГАН ХОНАЛАРИ “Е-AUKSION” ЭЛЕКТРОН САВДО ПЛАТФОРМАСИ ОРҚАЛИ ИЖАРАГА БЕРИЛАДИ ВА ТУШГАН МАБЛАҒ МАҲАЛЛА ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯХШИЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИ.

Бу тартибни мен, айниқса, амалий деб ҳисоблайман. Чунки маҳалла биносидида фойдаланилмаётган хона тўғри ишлатилса, **маҳалла учун мунтазам даромад келтирадиган активга** айланади.

Масалан, бўш хона тадбиркорлик субъектига ижарага берилса, у ерда аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчаси, ўқув маркази, маиший хизмат ёки бошқа қонуний фаолият ташкил этилиши мумкин. Натижада бир вақтнинг ўзида учта натижа юзага келади: бўш турган хона ишлайди, маҳаллага ижара даромади тушади, аҳоли эса ўз ҳудудида янги хизмат турига эга бўлади.

Бу маблағнинг кейинги тақдири ҳам муҳим. Менинг таклифим — маҳалла биносидида ижарадан тушадиган маблағнинг муайян қисми, аввало, **шу бинонинг сақланиши, жорий таъмири ва жиҳозланишига**, қолган қисми эса маҳалла инфратузилмасига йўналтирилиши бўйича аниқ тартиб белгилан. Чунки даромад келтираётган активнинг ўзи ҳам мунтазам парвариш ва янгилашни талаб қилади.



Яна бир таклифим — маҳалладаги давлат кўчмас мулки ва маҳалла биносидидаги ижарага берилган хоналар бўйича ягона электрон реестр шакллантирилиши керак.

Шунингдек, маҳаллага тушган маблағ ҳисобига бажарилган ҳар бир иш бўйича **“Маблағ қанча эди — нима қилинди — натижа қандай бўлди”** тамойили асосида қисқа ҳисобот бериб боришни йўлга қўйиш лозим, деб ҳисоблайман.

Умуман олганда, мен учун ушбу икки янгиликнинг энг катта афзаллиги шунда: **биринчиси маҳалладаги давлат мулкини бир марталиқ молиявий имкониятга, иккинчиси эса бўш турган майдонни мунтазам даромад манбаига айлантиради.** Демак, маҳалла иҳтиёрида нафақат мурожаатларни қабул қилиш ва муаммоларни аниқлаш имконияти, балки уларни ҳал этиш учун **иқтисодий манбалар ҳам пайдо бўлмоқда.**

Мастура САРИКОВА, Миробод туманидаги “Янги замон” маҳалласи раиси.



Марказий банк сўровномасида иштирок этган 2 391 нафар тадбиркорнинг 64 фоизи БИЗНЕС ЮРИТИШ ШАРОИТЛАРИ ЯХШИЛАНГАНИни қайд этган.



Фарғона туманидаги “ЯНГИ АСР” ва “ТОШҚЎРҒОНАЗИЗ” МАҲАЛЛАЛАРИДА янги микролойихаларни йўлга қўйишга бағишланган очик мулоқот ўтказилди.



Ўрта Чирчиқ тумани маҳаллаларида мебелчилик йўналишида фаолият юритаётган хунармандлар иштирокида “ЎРТА ЧИРЧИҚ МЕБЕЛИ” ТАШАББУСИ бошланди.

2026 йил
15 АВГУСТ,
ШАНБА

Mahalla №65

3

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!



СУРХОНДАРЁ

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

Гоҳида яшаш шaroити оғир, ишлашга иштиёқи йўқ инсонлар билан суҳбатлашсак, “Шaroит йўқ, имконият чекланган”, деган баҳоналарни эшитамиз. Аслида эса, ҳаракат қилган одам ҳар қандай оғир шaroитдан ҳам чиқиб кетиши мумкин. Бунинг учун маҳалладаги “еттилик” тизими фақат қоғозда эмас, балки ҳар бир хонадонга кириб, одамларнинг дарди билан яшаши керак.

Одилжон ИБРОҲИМОВ,
Музработ туманидаги
“Орият” маҳалласи
ҳоким ёрдамчиси.

Бунинг маҳалламизда олиб борилаётган ишлар ва ҳаётини ўзгартираётган инсонлар тақдирида қуриш мумкин. Йил бошида ишсизлар сони 121 нафарни ташкил этарди. Бугунгача уларнинг 80 нафарининг бандлиги таъминланди. Энг қувонарлиси, камбағаллик даражаси 10,9 фоиздан 4,6 фоизгача тушди.

Соғида Қаҳҳорованинг оиласида икки нафар фарзанд бўлиб, улар икки хонали таъмирталаб уйда яшаб келишарди. Турмуш ўртоғи узок муддат миграцияда бўлгани сабабли, болалар тарбияси ва рўзгорнинг бор юки аёлнинг елкасига тушганди.

“Ери унумдор, суви мўл ҳудудда камбағал оила бўлмаслиги керак”

Унинг тикувчиликка иштиёқи борлигини инобатга олиб, субсидия асосида замонавий тикув машинаси бердик. Бугун уйда утириб даромад топапти, оила камбағалликдан чиқди. Дилфуза Ҳасанова ва Мавлуда Қодирқуловага ҳам ижтимоий ёрдам кўрсатилиб, оёққа туриб олишига кўмаклашилди.

Давлатназар Бозоровнинг оиласида доимий даромад манбаи йўқ эди. Ўрганишлар давомида оила болалар нафақаси ва турмуш ўртоғи Фотима Рашидованинг ногиронлик нафақаси эвазига кун кечираётгани, уй-жойи эса жуда таъмирталаб экани аниқланди. Фотима опа суяк емирилиши касаллигидан азият чекаётгани сабабли узгалар парваришига муҳтож, даромадининг асосий қисми даволанишига сарфланарди. Шунга қарамай, тушкунликка тушмай, қўшимча даромад топиш учун уйда тикувчилик қилган. Аммо эски тикув машинаси яроқсиз ҳолга келгач, бу ишни ташлаб қўйишга мажбур бўлганди.

Биз хонадонга тезкор ёрдам ташкил этдик. Тандинхонаси усти ёпиб берилди. Уйнинг қўшимча биноси тубдан



таъмирланиб, шинамгина тикувчилик устахонасига мослаштирилди. Янги ва замонавий тикув машинаси совға қилинди. Бугун маҳалла хотин-қизлари ва уларнинг фарзандлари учун

кийим-кечак тикиб, эл дуосини олмоқда. Энг муҳими — оилага барака кириб, яхшигина даромад манбаи пайдо бўлди.

Агар ердан, сувдан ва яратилган имкониятлардан



тўғри фойдалансак, юртимизда муҳтож оила қолмайди. Шу сабабли ҳудудда томорқадан унумли фойдаланиш йўлга қўйилди. Ҳар қарич ер қадрланади. Биз учун энг катта

муваффақият ҳисоботлардаги қуруқ фоизлар эмас, балки маҳалладошларимизнинг қўзидаги қувонч, ҳалол меҳнати билан топган баракали даромадидир.

ТАНҚИД, ТАҲЛИЛ

ҲАР БИР ҚАРОР ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ, ҲАР БИР ИМЗО ОРТИДА МАСЪУЛИЯТ БОР

Инсон ўз уйи ёки тадбиркорлик биносини барпо этаркан, нафақат моддий маблағ, балки келажак режаларини ҳам шакллантиради. Бундай масканлар йиллар давомида оилалар учун даромад манбаи, ўнлаб ва юзлаб фуқаролар учун эса барқарор иш ўрни бўлиб хизмат қилади.

Хайрулло ФАЙЗ.

Бироқ кейинги пайтларда кундалик янгиликларда шаҳарсозлик тамойилига мос келмайдиган ёки ҳужжатсиз қурилган объектларни бузиш ҳолатлари тез-тез кузатилмоқда. Қонун устувор давлатда ҳар қандай ноқонуний қурилишга нисбатан ҳуқуқий чоралар қўрилиши табиий.



Чилонзор туманида “Шуҳрат” чоррахасидан “Райҳон” ошхонасигача бўлган масофада жойлашган савдо дўконлари ва умумий овқатланиш масканларининг қисқа муддатда бузиб ташланиши кўпчиликнинг эътиборини тортди. Жамоатчилик ва тадбиркорлар ҳақли саволларни ўртага ташлади. Агар бинолар шаҳарсозлик талабига ёки ер ажратishi тартибига зид бўлса, нега жараён қурилишнинг дастлабки босқичидаёқ аниқланиб, тўхта-тилмаган?

Объект пойдевори қазилаётганда, деворлари қўтарилаётганда ва йиллар давомида фаолият юритиб, солиқлар тўланаётганда назорат қилувчи органлар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллари чора кўрмагани нима билан изоҳланади?

— Бу ерда туну кун ишлайдиган сайёҳлик кўчаси барпо этиляпти, — деди Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари Камолитдин Ҳамроев. — Шунинг учун йўллар кенгайтирилиб, аҳолига дам олиш ва сайр қилиш учун қулай муҳит яратилмоқда. Йўл четидаги савдо дўконларининг аксарияти ноқонуний қурилма ҳисобланади. Тўғри, биз вақтида ҳар бири билан иш олиб бора олмаганимиз. Бунинг учун жисмоний имконият етмаган. Лекин маҳалла ёрдамида огоҳлантириш берганмиз. Тезроқ биноларни тартибга солиш тушунтирилган. Вазият яхшиланмагач, мажбурий тартибда бузилди. Лекин шу ерда ишлаётган фуқаролар эътибордан четда қолмади. Туман ҳокимлигида иккита ишчи гуруҳи тузилди. Бири бузилиш жараёнига масъул бўлса, иккинчиси ходимларни иш билан таъминлашга бош-қош. Жараёнда ҳар бири билан алоҳида суҳбатлашиб, амалдаги даромадига тенг маошли иш таклиф қилиняпти.

Туман ҳокимлиги ишдан ажралган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳ тузгани ва уларга муқобил иш ўринлари таклиф этилаётгани ижобий ижтимоий қадам. Бироқ келажакда бу каби тизимли муаммоларнинг олдини олиш учун қурилиш устидан давлат назоратини бино тайёр бўлганда эмас, балки пойдевор қўйилаётган дастлабки босқичдаёқ қатъий таъминлаш лозим. Шунингдек, ўз вақтида чора кўрмаган масъулларнинг масъулиятини ҳуқуқий баҳолаш тизимини ривожлантириш шаҳарсозлик соҳасида шаффофлик ва қонунийликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Маҳалла — жамиятнинг энг муҳим бўғини, аҳоли билан мулоқотнинг бош мезонидир. Бугунги кунда ушбу тизимни ривожлантиришда кўп йиллик бошқарув тажрибасига эга бўлган фидойи инсонларнинг ўрни бекиёс. Шундай раҳбарлардан бири — Жиззах вилояти маҳалла тизимида масъул лавозимда фаолият юритаётган Муса Анорбоевдир.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Бунинг инсонни яқиндан билган ҳамкасблари ва маҳалла фаоллари адолатпарварлиги ва халқчиллигини алоҳида эътироф этишади. Ҳар доим оддий одамлар ичида бўлиш, уларнинг дарду ташвишларини тинглаш ва муаммоларига жойида ечим топиш каби фазилатларини қадрлашади.

Давлат бошқаруви тизимида катта мактаб яратган бўлиб, меҳнат фаолиятининг асосий қисми бевосита Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ. Дастлаб фаолияти Ғаллаорол туманидаги Зарбулоқ давлат хўжалиги устахонаси мудири, бош муҳандисликдан бошланган бўлса, 1997-2007 йилларда Бахмал ҳамда Мирзачўл туманлари ҳокими сифатида самарали иш олиб борди.

Кўрсатган юқори натижалари туфайли 2007-2009 йилларда Жиззах вилояти ҳокими лавозимида фаолият юритди. Ташаббускорлиги билан вилоятда қурилиш-ободонлаштириш, саноат ва аграр соҳаларда қатор ислохотлар амалга оширилди. 2007 йилда Жиззах вилоятдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб сайланди. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасида қонун ижодкорлиги билан шуғулланди.

2018 йилда янги куч ва тажриба билан вилоятнинг тоғли ва салоҳиятли ҳудудларидан бири — Бахмал тумани ҳокими этиб тайинланди. Туманда янги таълим масканлари қуриш, тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш йўлида жонбозлик кўрсатди.

Ҳозирги кунда Муса Анорбоев ўзининг бой раҳбарлик тажрибасини маҳалла тизимини ислоҳ қи-



“МАҲАЛЛАДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ЗАМИРИДА ХАЛҚ РОЗИЛИГИГА ЭРИШИШ ҒОЯСИ ЁТАДИ”

лишга йўналтирган. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг вилоят бошқармасида раҳбар ўринбосари сифатида муҳим устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Жумладан, “маҳалла еттилиги” фаолиятини мувофиқлаштириш, инфратузилмани яхшилаш ишларига бош-қош бўлмоқда.

Ҳаётини халқ хизматиға бағишлаган, давлат бошқарувининг энг юқори поғоналарида тобланган раҳбарларнинг маҳалла тизимида фаолият юритаётгани бежиз эмас. У кишининг бой тажрибаси, соҳага оид амалий таклифлари ва энг муҳими — халқлик ёндашуви янгиланаётган Ўзбекистон маҳаллаларини нафақат ишсизлик, камбағаллик, оилавий ажралиш, жиноятчиликдан холи, балки инсон қадри улуғланадиган ҳақиқий фаровонлик масканига айлантиришга хизмат қилмоқда.



Ўзбекистонлик олима
Озода Абдуллаеванинг
инновацион ишланмаси
“KIWIE-2026” халқаро
танловида ОЛТИН
МЕДАЛЬ БИЛАН
ТАҚДИРЛАНДИ.



Бухорода оила ва
хотин-қизлар билан
ишлаш бўйича
“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”
ҳамда ХОТИН-
ҚИЗЛАР ФАОЛЛАРИ
иштирокида очик
мулоқот ўтказилди.



Қашқадарё вилоятининг
Яккабоғ туманида
АМИР ТЕМУР МУЗЕЙ-
ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ
барпо этилади.

4

Mahalla

№65

2026 йил
15 АВГУСТ,
ШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ —
ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

“Бир оғиз ширин сўз бир оилани ажрашишдан сақлаб қолиши мумкин”

Маҳаллада хотин-қизлар билан ишлашни бошлаганимда, бу вазифанинг қанчалик масъулиятли ва нозик эканини тасаввур ҳам қилмаган эканман. Фаолиятим давомида бир ҳақиқатни англадим: аёл билан ишлаш учун, аввало, унинг қалбига йўл топиш керак.

Ҳилола РЎЗИЕВА,
Навбаҳор туманидаги
“Меҳнат” маҳалласи
хотин-қизлар фаоли.



Хар бир аёлнинг ўз дарди, ўз тақдири бор. Уни бир марта суҳбатлашиб тушуниб бўлмайди. Шунинг учун, аввало, тинглаш, ишончини қозониш ва шундан кейингина маслаҳат бериш муҳим.

Маҳаллада “Аёллар дафтари” доирасида эҳтиёжманд хотин-қизларга моддий ёрдам кўрсатдик, даволанишига кўмаклашдик. Таъзиқ ва зуравонликка учраган аёллар билан ишлашга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Ҳимоя ордери бундай ҳолатларнинг олдини олишда муҳим восита бўлмоқда. 2021–2022 йилларда муурожаатлар анча кўп эди.

Ҳозир вазият сезиларли даражада яхшилانган. Хонадонларга бориб, эр-хотин билан суҳбатлашамиз, муаммонинг сабабини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Кўп ҳолларда оилалар ярашиб, тинч ҳаётга қайт-япти. Айни пайтда ҳудудимизда икки нафар аёл доимий назоратимизда.

Оилада ўзаро ҳурмат ва муомала маданияти жуда муҳим. Бироқ меҳр икки томонлама бўлиши керак. Аёлларга ҳам, эркакларга ҳам муаммони жанжал билан эмас, суҳбат ва сабр билан ҳал қилишни тушунтириб борамиз.

Хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигига ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Ишсиз ва уйда ўтирган аёлларни тадбиркорликка жалб этиб, уларга даромад манбаи яратишга кўмаклашяпмиз. Айримлари иссиқхоналарда махсулот етиштирса, бошқалари уй шароитида нон ва нон махсулотлари тайёрлаб, сотмоқда. Келгусида маҳаллада хотин-қизлар учун фитнес клуб ташкил этиш режамиз бор. Бу опа-сингилларимизнинг вақтини мазмунли ўтказиши, саломатлигини мустаҳкамлашида муҳим ўрин тутати.

Маҳаллада ишлаш давомида шуни англадим: **аёлга ёрдам бериш учун, аввало, унинг дардини эшитиш керак.** Баъзан бир оғиз ширин сўз, бир марта ҳолидан хабар олиш ёки қўллаб-қувватлашнинг ўзи унинг ҳаётини ўзгартириши мумкин. **Бир аёлнинг кўнглини кўтариш — бир оиланинг тинчлигини сақлашдир.**

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

БУНЁДКОРЛИККА БАХШИДА УМР



Мустаҳкам бино ва муҳташам иншоот қиёфаси, пойдевори дастлаб чизмаларда, лойиҳачи-муҳандисларнинг тафаккурида шаклланади. Ушбу масъулиятли ва мураккаб соҳада эркаклар билан баробар аёллар ҳам меҳнат қилмоқда.

Фахридин УБАЙДУЛЛАЕВ,
журналист.

Буюқбоши туманида туғилган Замирахон Солиева 2008 йилда ота-онаси ва устозларининг дуоси билан “Imkon Qurilish Rivoj” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, мустақил

иш юрита бошлайди. Шундан буён ушбу жамият вилоят қурилиш-лойиҳалаш соҳасида самарали фаолият юритиб келмоқда. Замирахон Солиева раҳбарлигидаги корхона мутахассислари ўтган 2025 йилда жами 26 та объект лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиққан бўлса, жорий йилнинг шу пайтига қадар жами 16 та қурилиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлади. Бу ишларга тажрибали, ўз ишининг моҳир устаси ҳамisha бош-қош.

Бу аёл нафақат касбининг фидойиси ва устаси, балки кўплар ҳавас қилса арзийдиган ибратли оиланинг бахтли бекаси. У турмуш ўртоғи билан бир қиз, уч ўғилни тарбиялаб вояга етказди. Ўқитди, уйли-жойли қилди, эл қаторига қўшди. Қувонарлиси, фарзанди Дилшодбек, набиралари унинг ишини давом эттирмоқда.

ЯНГИ ДАВРНИНГ ЁРҚИН ҲАЁТИ

ҚЎЛИНГДАГИ ҲУНАРИНГ БАРАКАДА УНАРИНГ

Олот туманининг “Эски Олот” маҳалласидаги 3 800 нафар аҳолининг салмоқли қисmini хотин-қизлар ташкил этгани боис, уларнинг бандлигини таъминлаш ва иқтисодий фаоллигини ошириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Худудда ташаббускор тадбиркор Нигора Наврўзова раҳбарлигидаги “Дилбар момо либослари” масъулияти чекланган жамияти самарали фаолият юритмоқда. Корхонада ўнга яқин чевар меҳнат қилиб, атлас, адрас ва шойи каби миллий матолардан замонавий ҳамда миллий услубдаги либослар тикмоқда. Буюртмалар сонининг ортиб бораётгани миллий либосларга бўлган талаб тобора юксалаётганидан далолат.



Шунингдек, маҳалладаги “Заҳро келажак юлдузи” цехда ҳам 8 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди. Корхонада замонавий тикувчилик йўлга қўйилган бўлиб, эркаклар ва аёллар учун турли хил мавсум-боп либослар тайёрланапти. Айни кунда бу ерда кунига 400 тадан ортиқ тайёр махсулот ишлаб чиқарилиб, улар ички бозорга, жумладан, водий

вилоятларидаги савдо тармоқларига етказиб берилмоқда.

Корхонада фаолият юритаётган чеварлар меҳнатига яраша ўртача 3–4 миллион сўм миқдорида ойлик даромад олмақда. Бу эса хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, оилалар фаровонлигини ошириш ва барқарор бандликни таъминлашга хизмат қилмоқда.



МУШОҲАДА

ҚАРИНДОШЛИК РИШТАСИ ФАРЗАНД ТАҚДИРИГА ТУГУН БЎЛМАСИН...

“Ўзимизники, мол-мулк бегонага қолмасин”, “бир-биримизни яхши биламиз”, “қиз кўз ўнгимизда катта бўлган” — қариндошлар ўртасидаги никоҳни оқлаш учун келтириладиган сабаблар кўп. Айрим оилаларда бундай никоҳ, ҳатто анъана даражасига кўтарилган.

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА,
“Mahalla” мухбири.

Тўғри, қариндошлик ришталари оилавий муносабатларни яқинлаштириши мумкин, аммо генетик жиҳатдан яширин хавфларни ҳам бир нуқтага жамлаш эҳтимоли бор. Бунинг оқибати баъзан йиллар ўтиб, фарзанд дунёга келганида намоён бўлади.

— Тиббиёт ва генетика соҳасидаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар айрим ҳудудларда ижтимоий-анъанавий омиллар таъсирида сақланиб қолаётган бўлса-да, улар соғлиқ учун муайян хавф-хатарларни юзасига келтиради, — дейди “Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи Шерзод Дўснаев. — Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай никоҳлар натижасида туғма нуқсонлар, ирсий касалликлар ва ногиронлик ҳолатлари хавфи ортади. Илмий тадқиқотлардан маълум бўлишича, умумий популяцияда туғма нуқсонлар хавфи одатда 2–3 фоиз атрофида бўлса, қариндошлар ўртасидаги никоҳларда бу кўрсаткич 4–6 фоизгача етади, яъни деярли икки баравар ошади. Генетик мос келиш даражасининг юқорилиги нафақат аниқ ирсий касалликлар, балки болаларнинг умумий ривожланиш жараёнига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари фақат тиббий хавфлар билан чекланмайди. Баъзан бир-бирини яхши таниш, оилавий яқинлик кейинчалик муносабатларни мураккаблаштириб қўяди. Масалан, оддий оилада эр-хотин ўртасидаги жанжал кўпинча икки инсоннинг ўзига дахлдор бўлади. Қариндошлар никоҳида эса битта низо қўлами анча кенгайиши мумкин. Эр-хотиннинг тортишуви ака-ука, опа-сингил, қуда-анда муносабатига ҳам салбий таъсир қилади.

Паркент туманида яшайдиган бир оилани биламан. Холаваччалар турмуш қурган. Аввалига тинч-тотув яшаётган эр-хотин иккинчи фарзанди ногирон туғилгач, бир-бири билан тез-тез жанжаллашадиган одат чиқаради. Келишмовчилик тобора мураккаблашиб, оилалар ўртасидаги низога айланади. Маҳалла ходимлари ва нуронийлар аралашуви ҳам вазиятни ўнглай олмайди. Охир-оқибат улар ажрашиб, борди-келдиларга ҳам нуқта қўйилди.

— Амалиётда бундай ҳолатлар кўп бўлмаса-да, учраб турибди, — дейди Қўрғонтепа туманидаги “Деҳқонobod” маҳалласи хотин-қизлар фаоли Манзура Турғунова. — Баъзан ёши улугларнинг қистови билан қабул қилинган хато қарорнинг салбий оқибатларини кўриб келяпмиз. Мисоллар ҳам талайгина. Лекин охириги вақтда мазкур масалага давлат миқёсида жиддий эътибор қаратиляпти. “Еттилик” вакиллари турмуш қуришга қарор берган йигит-қизларнинг қариндошлик даражасини суриштиряпти. Аниқланган ҳолатларга жиддий чоралар қўриляпти.

Назаримда, фақатгина чекловларнинг ўзи билан натижага эришиш қийин. Ҳар бир инсон ўз тақдирини ўзи ўйлагандагина қандайдир ўзгаришлар қила олади. Аслида, қиз боланинг тақдирини “қариндошликни сақлаб қолиш”дан кўра, унинг бахтли ва хотиржам ҳаётини таъминлаш билан ўлчаниши керак.

Қариндошлар ўртасидаги никоҳни фақат урф-одат, оилавий яқинлик ёки мол-мулкни сақлаб қолиш нуқтаи назаридан баҳолаш тўғри эмас. Бундай қарор, аввало, келажак фарзандлар саломатлиги ва оиланинг тинчлиги нуқтаи назаридан ўйлаб қўрилиши керак. Генетик хавфлардан тортиб, кейинчалик юзасига келиши мумкин бўлган оилавий низо-ларгача бу масалага жиддий ва масъулиятли ёндашиш зарурлигини кўрсатади. Шу боис никоҳдан олдин тиббий-генетик маслаҳат олиш, ёшларнинг мустақил ва онгли қарор қабул қилиши, энг муҳими эса анъанадан кўра, инсон тақдири ва фарзанд келажagini устувор қўйиш муҳим.




Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза
РАҲИМХЎЖАЕВА
тайёрлади.



Миллий статистика кўмитаси маълумотига кўра, Ўзбекистонда ТАЪЛИМ БОЗОРИНИНГ 53 ФОИЗИ Тошкент шаҳрида жамланган.



Ўзбекистонлик ўқувчилар 2026 йилда ХАЛҚАРО ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИДА 220 та медал кўлга киритди.



Ўзбекистонда 2027 йил 1 январдан БАРЧА ОЛИЙҒОҲЛАРДА КАРЬЕРА МАРКАЗЛАРИ фаолияти йўлга қўйилади.

2026 йил
15 АВГУСТ,
ШАНБА

Mahalla №65

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”



ТОШКЕНТ Ш.

ЕТАКЧИ — Кўмакчи

ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ АНИҚЛАЙДИГАН ЭЛЕКТРОН ПОРТАЛ КЕРАК...



...Бир куни идорага бир она фарзандини бошлаб келди. Унинг кўзидаги хавотир ҳали гап бошламасидан вазиятнинг жиддийлигини англатарди. Уйидаги буюмлар бирин-кетин йўқолаётган, кейинчалик эса уларни фарзанди сотиб, “таблетка” кўринишидаги гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишга ружу қўйгани маълум бўлган. Она боласини менга ишониб топширди...

Хусниддин ТОШПҮЛАТОВ,
Чилонзор туманидаги “Бектўпи” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Мен эса уни бир кунда ўзгартириб қўйишга уринмадим. Бир ой давомида деярли ҳар куни олиб чиқиб, кун бўйи ўзим билан бирга олиб юрдим, кечкурун уйига кузатиб қўйдим. Дастлаб унинг хатосини юзига солишдан, насиҳат қилишдан, “бундай қилма”, деган гапларни такрорлашдан ўзимни тийиб турдим. Чунки ишонч бўлмаган жойда ёшлар ўзининг асл ҳолатини кўрсатмайди. Аввал дўст бўлиш керак эди.

Вақт ўтиши билан у менга кўника бошлади. Сухбатларимиз аста-секин оддий кундалик гаплардан унинг ҳаётига, ўйларига, ичида қолиб кетган гапларига қўчди. Шунда муаммонинг кўриниб турган қисми ортида бошқа сабаблар борлигини билдим. У илгари яхши ўқиган, аёло баҳоларга интилган бола экан. Аммо оилада бир куни “опангни ўқитамиз, сени ўқитмаймиз”, деган гап айтилган. Балки катталар учун бу оддийгина айтилган жумладир, аммо бола қалбда у бутунлай бошқача из қолдирган. У ўзини оилада ортиқчадек хис қила бошлаган, ўқишга бўлган қизиқиши сўнган ва аста-секин ўзига бошқа муҳит излаган. Уша муҳит эса уни яхши томонга эмас, ёмон йўлга етаклаган.

Уни ана шу даврдан аста-секин ажратиб, ўз фаолиятимга жалб қилдим. Компьютер олдига ўтказиб, турли вазифаларни топширдим. Аввалига буни шунчаки машғулот сифатида қабул қилган бўлса, кейинчалик унда қизиқиш уйғонди. Энг муҳими, у ўзини керакли инсон сифатида хис қила бошлади. Бир муддат ўтиб, мени излаб ўзи келадиган, қандай иш билан шуғулланаётганимга қизиқадиган бўлди. Ишонч мустаҳкамлангач, у менга дори истеъмол қиладиган ёшлар ҳақида ҳам маълумот берди. Биз профилактика инспектори ва тегишли ташкилотлар билан биргалликда вазиятни ўргандик, ёшлар тўпланадиган жойларда назоратни кучайтирдик, видеокузатув воситалари ўрнатилди. Бир боланинг ҳаётидаги ўзгариш эса бошқа ёшларни ҳам муҳофаза қилиш учун сабаб бўлди.

Афсуски, бундай муаммоларнинг илдиизи кўпинча оиладаги эътибор масаласига бориб тақалади. Айрим ота-оналар фарзандининг барча моддий эҳтиёжини таъминлаб қўйишни тарбиянинг ўзи деб ҳисоблайди. Қўлига пул беради, шароит яратади, лекин боланинг ким билан юраётгани, вақтини қандай ўтказаяётгани, нималарни ўйлаётгани билан қизиқмайди. Ваҳоланки, ёшларга баъзан пулдан кўра бир оғиз самимий суҳбат, бир марта тинглаш, “мен сенга ишонаман”, деган гап кўпроқ керак бўлади.



Инсонни уйғотгувчи уйғоткич эмас, эртанги кун ҳақидаги тасаввурлардир

Кўплаб ёшларнинг ҳаётида бир ғалати манзарага дуч келамиз: мактабнинг сўнгги синфларида кўлидан китоб тушмайди, тонг сахаргача дарс қилади, репетитордан репетиторга қатнайди, кириш имтихонлари яқинлашгани сари уйқуси, дам олиши, ҳатто баъзан соғлигини ҳам иккинчи ўринга суради. Абитуриентнинг асосий мақсади битта — ўқишга кириш. Шу мақсад йўлида у ўзини аямайди.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Аммо энг қизиқ жойи шундаки, айрим ёшлар узоқ йиллар давомида шакллантирган бу меҳнат одатини талабаликка қадам қўйиши билан бирга ташлаб юборади. Кечагина имтихондан юқори балл олиш учун тунларни бедор ўтказган йигит-қиз энди ўз касбининг моҳиятини ўрганиши, мустақил изланиши, дунёқарашини кенгайтириши керак бўлган пайтда китобдан узоқлашади. Дарсга боришнинг ўзи таълим олиш, деб қабул қилинади. Диплом эса мақсаднинг ақуни сифатида қўрилади. Асл муаммо ҳам шунда: биз ёшларни билим олишга эмас, кўпинча имтихондан ўтишга тайёрлаяпмиз.

Бир неча йил давомида бола “ўқисанг, ўқишга кирасан”, деган фикр билан яшайди. Натижада унинг онгида билим — мақсад эмас, воситага айланади. Кириш имтихони тугагач эса шу воситага эҳтиёж қолмагандек туюлади. Ваҳоланки, ҳақиқий билим айнан шундан кейин керак бўлади. Чунки инсоннинг касби, дунёқарashi, жамиятдаги ўрни ва келажақдаги даромади биргина кириш имтихонидаги натижа билан эмас, кейинги йилларда ўз устида қанча ишлагани билан белгиланади.

Бу ҳолатни оддийгина “талабалар дангаса бўлиб қолди”, деб изоҳлаш ҳам адолатдан эмас. Муаммо анча чуқур. Ёшнинг мақсади қандай шакллантирилгани,

оилада таълимга қандай қаралгани, атрофидаги муҳит, ўқиш жараёнида қандай рағбат олгани, ўз келажагини қанчалик аниқ тасаввур қилиши — буларнинг барчаси унинг кейинги муносабатини белгилайди.



Дунёдаги энг нуфузли таълим масканлари ҳақида гап кетганда, Ҳарвард номи кўпинча меҳнат, интизом, мустақил фикрлаш ва изланиш билан бирга тилга олинади. У ерда таълим фақат дарсга қатнашиш ёки топшириқни бажариш билан чекланиб қолмайди. Талабадан вақтини бошқариш, мустақил фикрлаш, ўз устида ишлаш, берилган билимни амалиёт билан боғлаш ва ўз олдига аниқ мақсад қўйиш талаб этилади.

Аслида бизга ҳам айнан шу қараш етишмайди. Ёшларга “ўқишга кир” дейишдан олдин “нима учун ўқимоқчисан?”, “қайси соҳада ўзингни кўряпсан?”, “бу касб учун қандай инсон бўлишинг керак?”, деган саволларни бериш керак. Чунки мақсади аниқ бўлмаган ёшнинг интилиши кўпинча биринчи тусида сўнади.

Бугун вақтни бошқариш ҳам ёшлар олдидagi энг жиддий масалалардан бири. Айрим ёшлар кунининг катта қисмини телефон, ижтимоий тармоқлар ва қисқа видеоларга сарфлаб,



ТАҲЛИЛ

кечга бориб “вақтим етмади”, дейди. Эрталаб уйғоткич жиринглайди, у эса яна беш дақиқа ухлайди. Беш дақиқа ўн дақиқага, ўн дақиқа ярим соатга айланади. Кейин кун шошилиш билан бошланади. Бундай ҳаёт тарзида катта мақсадлар учун вақт қолмайди. Аслида, инсонни уйғотадиган нарсa фақат уйғоткич эмас, унинг эртанги кўни ҳақидаги тасаввури бўлиши керак. Мақсади бор одам вақтнинг қадрини бошқача хис қилади. У қайси иш бугун бажарилмаса, эртага муаммага айланишини билади. Шу боис режалаштириш, устувор вазифаларни ажратиш, вақтни беҳуда сарфламаслик оддий тартиб-интизом эмас, келажақни бошқариш воситасидир.

Яна бир муҳим масала — иктидор ҳақидаги нотўғри тасаввур. “Менда қобилият йўқ”, “хотирам кучсиз”, “бошқалар мендан ақлироқ”, деган гапларни ёшлар орасида

кўп эшитамиз. Аммо инсон салоҳияти тайёр ҳолда намоён бўлиб қолмайди. У меҳнат, тажриба, хато ва тақрорий уринишлар орқали очилади.

Бугун йигит-қизлар олдидa жуда кўп имконият бор. Интернет, очик таълим платформалари, электрон кутубхоналар, хорижий тиллар, турли курслар — буларнинг барчаси билим олишни аввалгидан анча осонлаштирди. Аммо имкониятнинг қўпайгани натижа-нинг ошишини англатмайди. Аксинча, танловлар қўпайгани сари чалғитувчи омиллар ҳам кўпаймоқда. Ёшлар бир вақтнинг ўзида ўқиши, ишлаши, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиши, дўстлари билан мулоқот қилиши ва

ўз келажагини қуриши керак. Бундай шароитда ўзини бошқара олмаган инсон энг қиммат нарсаси — вақтини сездирмай йўқотади.

Шунинг учун ўғил-қизларга фақат “кўпроқ ўқи” дейиш етарли эмас. Унга нима учун ўқиши, нимани ўрганиши, ўрганганини қарерда қўллаши ва беш йилдан кейин қандай мутахассис бўлишни исташи ҳақида ўйлаш ўргатиш керак. Ёшларда шаклланган қатъият, мутолаа, изланиш, режалаштириш ва меҳнат одати кириш имтихонидан кейин тугамаслиги керак. Аксинча, инсон ҳаётининг энг муҳим палласи шундан кейин бошланади. Чунки энди у баҳо учун эмас, ўз ҳаёти учун ўқийди.

Бугун қадам ташламаган ёш эртага югуришга мажбур бўлади. Бугун сарфланган меҳнат эса эртага ўз самарасини беради. Инсоннинг ички салоҳияти ҳам сандиқдаги тайёр бойлик эмас — уни изланиш, меҳнат ва интизом билан юзага чиқариш керак.

кимда иқтидор йўқдир...

ИҚТИДОР ЁШГА ҚАРАБ ЭМАС, ҒОЯСИГА ҚАРАБ БАҲОЛАНАДИ

Иқтидор ёш танламайди, дейишади. Аммо унинг ўзи етмайди — уни юзага чиқариш учун қизиқиш, меҳнат ва энг муҳими, ўз ғоясига ишониб, дадил қадам ташлаш керак. Баҳмал туманининг “Тонготар” маҳалласида яшовчи ёш иштироқи Содиқжон Абдужабборов бунга ёрқин мисол.

У болалигидан атрофидаги нарсаларга шунчаки қараб қўя қолмай, “Буни бошқача қилиш мумкинми?”, деган савол билан қизиққан тенгдошларидан ажралиб турарди. Табиат, техника ва янгиликларга бўлган қизиқиши йиллар ўтган сайин оддий ҳавасдан аниқ мақсадга айланди. Ниҳоят, унинг ичида юрган изланиш ва ғоялар ўз натижасини кўрсатди.


Тошкент шаҳрида “Яшил инновациялар” танловининг республика босқичида ёшларнинг экологик лойиҳалари тақдим этилди. Якуний босқичга етиб келган 87 та лойиҳа орасидан 24 таси муносиб топилди, жами 1 миллиард 140 миллион сўмлик грант билан қўллаб-қувватланди. Қувонарлиси, улар орасида Содиқжоннинг лойиҳаси ҳам бор. У 14-18 ёш тоифасида мутлақ ғолибликни қўлга киритиб, грант соҳибига айланди.

— Бу ғалаба мен учун шунчаки мукофот эмас, — дейди Содиқжон. — Энди лойиҳамни янада ривожлантириб, унинг амалда фойда беришини хоҳлайман. Энг муҳими, ўзимга бўлган ишончим янада ошди.



Бир қарашда бу оддий танловдаги ғалабадек туюлиши мумкин. Аслида эса унинг ортида ёш боланинг йиллар давомида йиғган қизиқиши, изланиши ва журъати турибди. Содиқжоннинг ютуғи Баҳмалда ёшларнинг катта ғояларга қўл уришга қодирлигини, уларга имкон берилса, ўз истеъдодини амалий натижага айлантира олишини кўрсатди.

Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.





Ўзбекистонда
ЭХТИЁЖМАНД
ОИЛАЛАРГА
ярим йилда электр ва
газ учун 92 миллиард
сўм компенсация
тўланди.



Уруш ногиронлари,
Чернобыль АЭС ҳалокати
жабрланувчиларига
ҲАВО, ТЕМИР ЙУЛ
ВА ШАҲАРЛАРАРО
АВТОБУС ТРАНСПОРТИ-
ДА бепул чипта
берилади.



Ўзбекистонда
ёшга доир пенсияларни
“ПРОАКТИВ” —
ФУҚАРОНИНГ
АРИЗАСИСИЗ тайинлаш
даражаси 85 фоизга
етди.

6

Mahalla

№65

2026 йил
15 АВГУСТ,
ШАНБА



“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

“ЯНГИ КУН” — ЯНГИ УМИДЛАРГА УЧҚУН



Мен ижтимоий ходим сифатида ҳар куни маҳалла-
миздаги инсонларнинг ҳаёти, муаммо ва эҳтиёжлари
билан яқиндан танишаман. Бу фаолиятни шунчаки
касб эмас, балки инсонларга кўмак бериш, уларнинг
оғирини енгил қилиш ва ҳаётида ижобий ўзгариш
ясаш имконияти, деб биламан.

Дилдора МАДРАҲИМОВА,
Ўзбекистон туманидаги
“Ялпан-гузар” маҳалласи
ижтимоий ходими.

Маҳалламизда амал-
га оширилган муҳим
ишлардан бири — 2026 йил
1 июндан “Янги кун” кундузги
қараб туриш хизматининг йўлга
қўйилгани бўлди. Бунда руҳий
ҳолатида ўзгаришлари бор I ва II
гурух ногиронлиги бўлган шахс-
ларни кундузи парварошлаш,
хавфсиз муҳит яратиш, ижтимоий
ҳаётга мослаштириш ва мустақил
қўникмаларини ривожлантириш-
га алоҳида эътибор қаратиляпти.

Тадбиркор Инъомхон Азизов
ташқил этган марказ 16 нафар но-
гиронлиги бўлган аёлни қамраб
олган. Бу ерда уларнинг имко-
ният ва эҳтиёжларидан келиб
чиқиб, индивидуал режа асосида
ривожлантирувчи машғулотлар,
ижтимоий мослашув ва маданий
тадбирлар ташқил этилмоқда.

Хизматнинг энг муҳим
жиҳатларидан бири — унинг
оила аъзоларига ҳам енгил-
лик яратаётганидир. Яқинлари
кундузи меҳнат қилиш ёки тад-
биркорлик билан шуғулланиш
имкониятига эга бўлмоқда.

Масалан, II гуруҳ ногиронли-
ги бўлган Гулсанам “Янги кун”
хизматига жалб этилган, унинг
онаси қасаначилик асосида ти-
кувчилик фаолиятини бошла-
ди. Бугун шундай имкониятдан
фойдаланиб, 3 нафар фуқаро
тадбиркорлик билан шуғуллан-
моқда.

Маҳалламизда ижтимо-
ий ҳимояга муҳтож оилалар-
ни қўллаб-қувватлаш ишлари
ҳам тизимли давом этмоқда.
696 та оиланинг 45 таси Ижти-
моий реестрга киритилган.
Жорий йилда 2 та оила вакили-
га фоизсиз кредит ажратилди,
14 нафар фуқаро касб-ҳуна-
рга йўналтирилди, 20 нафари
доимий ва мавсумий ишларга
жалб этилди. “Саховат ва кўмак”
жамғармаси орқали эҳтиёж-
манд оилаларга озиқ-овқат ва
кийим-кечак учун ваучерлар
берилди.



Маҳалламизда 48 нафар
ногиронлиги бўлган
шахс яшайди. Уларнинг
4 нафари реабилитация
воситалари билан
таъминланди, 5 нафари-
нинг бандлигига
кўмаклашдик, 3 нафар
ногиронлиги бўлган бола
таълимга жалб этилди.

I гуруҳ ногиронлиги бўлган
Ахроржон Қўчқоровнинг ҳаёти-
да ҳам амалий ўзгариш бўлди.
У “Фаол ҳаётга қадам” дастури
асосида уйда қараб туриш хиз-
матига жалб этилган, ўғли Асад-
бек қаровчи этиб тайинланди.
Натижада оила даромад ман-
баига эга бўлди. Ахроржон ака-
га сайр қилиш учун ногирон-
лик аравачаси ҳам берилди.

Мен учун энг муҳим нати-
жа — инсонларнинг юзидagi
қувончни кўриш. Маҳалладош-
ларимнинг ишончи, миннат-
дорчилиги ва дуоларидан куч
оламан. Ҳар бир оиладagi ки-
чик ижобий ўзгариш мен учун
катта ютуқ.

Зеро, инсон қадри улуғлан-
ган, эҳтиёжмандларга эътибор
ва ғамхўрлик кўрсатилган жой-
дагина жамият фаровонлиги
янада юксалади.

СИЗ ЁЛГИЗ ЭМАССИЗ...

ҲАР БИР БОЛА — ЭЪТИБОР ВА ИМКОНИЯТГА МУНОСИБ

Маржон ТОШМУРОДОВА,
журналист.

Термиз шаҳридаги “Богзор”
маҳалласида жойлашган 9-сонли
давлат мактабгача таълим таш-
килотида инклюзив гуруҳ фао-
лияти самарали йўлга қўйилган.
Айни пайтда муассасада 9 нафар
алоҳида таълимга эҳтиёжи бўл-
ган бола тарбияланмоқда.

Болаларнинг ривожлани-
шини қўллаб-қувватлаш мақса-
дида муассасада дефектолог ва
логопед мутахассислар фаолият
олиб борапти. Масканда ҳар бир
боланинг индивидуал имконият
ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб,
мунтазам машғулотлар ташқил
этилмоқда.

Бунда болаларнинг мулоқот
қилиш қўникмаларини ривож-
лантириш, нутқини шаклланди-
риш ва такомиллаштириш,
ижтимоий муҳитга мослашувини
таъминлашга алоҳида эътибор
қаратиляпти.

Бундай ёндашув тарбияла-
нувчиларнинг нафақат билим

ва қўникмасини ошириш, балки
уларнинг ўзига бўлган ишончини
мустаҳкамлаш, тенгдошлари билан
эркин мулоқот қилиши ва жамият-
га мослашишида ҳам муҳим аҳамият
касб этади.

Энг қувонарлиси, амалга
оширилаётган ишлар ўз
самарасини бермоқда. Жорий
йилда 5 нафар тарбияланувчи
тайёрлов гуруҳини тамомлаб,
умумий ўрта таълим
мактабидagi инклюзив синфда
ўқишни давом эттиради.

Бу эса инклюзив таълимнинг
асосий мақсади — ҳар бир болага ўз
қобилиятини намоён этиши, таълим
олиши ва жамиятда муносиб ўрин
эгаллаши учун тенг имконият яра-
тиш йўлида муҳим қадамдир.



Сахифани
“Mahalla” мухбири
Шахноза
РАҲИМХЎЖАЕВА
тайёрлади.

ТАҚДИРЛАР

“ҚАЛБИМДА УМИД, ҚАРШИМДА ЯНГИ ҲАЁТ”

Ҳаёт ҳар доим ҳам биз кутгандек кечмайди.
Баъзи инсонлар болагигиданок оғир
синовларга дуч келади. Менинг ҳаётим ҳам
шундай машаққатлар билан ўтган. Ёшлигимда
ота-онамнинг ажралиши, оилاداги меҳр
ва бирликнинг йўқлиги қалбимда чуқур из
қолдирди. Шунга қарамай, келажакка умид билан
қараб, бахтли оила қуришни орзу қилдим.



Мархабо ЖҲҲАЕВА.
Ғузур тумани.

Вакт ўтиб, турмуш қур-
дим ва тўрт нафар фарзанд
қўрдим. Болаларим учун
меҳрибон она, турмуш ўр-
тоғим учун суюкли ёр, ои-
лам учун эса фидойи аёл
бўлишга интилдим. Аммо
кейинги кунлардаги иқтисо-
дий қийинчиликлар сабаб
оилادا келишмовчиликлар
юзага кела бошлади. Бундай
муҳит нафақат менинг, балки
фарзандларимнинг руҳий
ҳолатига ҳам салбий таъсир
кўрсатди. Вазият оғирлиги-
га қарамай, жим қолишни
эмас, балки фарзандларим
хавфсизлиги ва ўзимнинг
қадр-қимматимни сақлаб
қолиш йўлини танладим.

Шу сабабли маҳаллага
муурожаат қилдим ва улар
мени туман “Инсон” маркази
билан ҳамкорликда Аёллар-

ни реабилитация қилиш ва
мослаштириш марказига
жойлаштиришди. Бу ерда
бизга хавфсиз бошпана,
ижтимоий, психологик ва
ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.
Ҳаётимни янгидан бошлаш,
ўзимга бўлган ишончимни
тиклаш ва келажакка умид
билан қараш имкониятига
ҳамда касб-ҳунар ўрганиб,
иқтисодий мустақилликка
эга бўлдим. Бундан ташқари,
таълимдан узилиб қолган
фарзандларимни ўқишга
жалб қилиб, имтиёз асоси-
да мактаб ва боғчага жой-
лаштиришди.

Мен каби оғир вазият-
га тушиб қолган аёлларга
яратилган бу имкониятлар
учун миннатдорман. Дав-
латнинг қўллаб-қувватлаши
сабаб ҳаётга янгича нигоҳ
билан қараш, ўзимга бўлган
ишончни қайта тиклаш ва
фарзандларим билан ёруғ
келажак сари дадил қадам
ташлашга куч топдим.

Бир оиллага моддий ёрдам бериш осон. Аммо уни
доимий даромадга эга қилиш, меҳнат бозорига
олиб кириш, фарзандларининг таълими ва оила
аъзоларининг ижтимоий фаоллигини таъминлаш анча
мураккаб жараён. Шунинг учун бугун ижтимоий ҳимоя
самарадорлигини баҳолашда “қанча ёрдам берилди?”
деган саволдан кўра, ёрдамдан кейин инсон ҳаётида
нима ўзгариши мўҳимроқ.

Шахноза РАҲИМХЎЖАЕВА,
“Mahalla” мухбири.

2026 йилдан мамлакатимиз-
да ягона Ижтимоий
реестрнинг жорий этилиши
ҳам ана шу мақсадга — кўмакни
эҳтиёждан келиб чиқиб, ман-
зилли ташқил этишга қаратил-
ган. Реестрда оилалар ижтимо-
ий-иқтисодий ҳолатига қараб,
давлат таъминотидаги, кам-
бағал ва камбағаллик чегараси-
даги тоифаларга ажратилмоқда.
Аммо рўйхатга кириштиш — иш-
нинг натижа оилани шу рўйхат-
дан қандай чиқаришда намоён
бўлади.

Бу борада Оҳангарон
шаҳри “Адолат” маҳалласидаги
ҳолат эътиборга лойиқ. Маҳал-
лада 1081 та оила яшайди. Шун-

дан 20 таси давлат таъминоти-
даги, 19 таси камбағал ва 5 таси
камбағаллик чегарасидаги
оила сифатида Ижтимоий ре-
естрга олинган. Жорий йилда
маҳаллада давлат таъминоти-
даги 2 та оила вакилига фоиз-
сиз кредит расмийлаштирил-
ди, 6 нафар фуқаро касб-ҳуна-
рга йўналтирилди. 15 киши дои-
мий, 5 киши мавсумий ишга
жалб этилди.

Бу рақамлар ижобий нати-
жани кўрсатади. Аммо таҳлил
шун ерда тугамаслиги керак.
Кредит олган икки оиланинг
бугунги даромади қанча? Касб
ўрганган 6 кишидан нечтаси
мутахассислиги бўйича ишла-
япти? Мавсумий ишга кирган
5 нафар фуқаро қиш фасли-
да яна ишсиз қолмайдими?
Ижтимоий сиёсатнинг кейинги
босқичи айнан шу саволларга
жавоб бериши зарур.



“ҲАР БИР МУАММО — АЛОҲИДА ЁНДАШУВ”

— Ижтимоий ходим сифа-
тида оилалар билан ишла-
ганда, энг аввало, уларнинг
ҳақиқий эҳтиёжини аниқлаш-
га ҳаракат қиламиз, — дейди
Бўка туманидаги “Рамадон”
маҳалласи ижтимоий ходими
Ниҳола Йўлдошева. — Чунки
бир хил тоифага киритилган
икки оиланинг ҳаётий ша-
роити ҳам турлича бўлиши
мумкин. Бир оиллага иш топиб
беришнинг ўзи етарли бўлса,
бошқа хондонда парвароши-
га муҳтож инсон муаммосини
ҳал қилиш талаб этилади. Шу
боис биз учун асосий вазифа

— оиллага бир марталик ёрдам
бериш эмас, унинг муаммоси-
ни барқарор ҳал қилишдан
иборат.

Айтайлик, фуқарони ишга
жойлаштирдик, деб кўя қолиш
тўғри эмас. Унинг иши қан-
ча вақт давом этди, дарома-
ди ошди, оиласида қандай
ўзгариш бўлди — мана шу
натижаларни ҳам кузатиш ке-
рак. Чунки ижтимоий ҳимоя-
нинг мақсади инсонни доимий
ёрдам олувчи ҳолатда ушлаб
туриш эмас, балки уни ўз кучи-
га таянадиган даражага олиб
чиқишдир.

МУАММОНИНГ ЕЧИМИ ҚАНДАЙ?

Бугунги тизимда энг кат-
та хавф — кўрсаткични нати-
жа деб қабул қилиш. Масалан,
фуқарони ишга жойлаштириш
— натижа. Лекин у ишда қанча
вақт қолди? Оила даромади ош-
дими? У яна ижтимоий ёрдамга
муҳтож бўлиб қолмадими?

Касбга ўқитиш — натижа.
Аммо ўша касб бўйича иш то-
пилмаса, ўқигани қанчалик са-
мара беради?

Кредит ажратиш — имкони-
ят. Лекин тадбиркорлик фао-
лияти бир йилдан кейин ҳам
давом этяптими?

Шунинг учун ижтимоий
хизматларда “хизмат кўрсати-
лди”, деган нуқтадан “барқарор
натижага эришилди”, деган
босқичга ўтиш муҳим.

Бунинг учун ҳар бир кам-
бағал оиллага алоҳида мақсад

белгиланиши керак. Кўрсатил-
ган хизматнинг натижаси уч,
олти ва ўн икки ойдан кейин
қайта баҳоляниши мақсадга
мувофиқ. Бу орқали вақтинча-
лик натижа билан барқарор
ўзгаришни фарқлаш мумкин.
Айниқса, кредит ёки субсидия
берилган оилаларга кейинги
босқичда ҳам маслаҳат ва амал-
лий кўмак кўрсатилиши лозим.
Тадбиркорлиқни бошлашнинг
ўзи эмас, уни сақлаб қолиш ҳам
муҳим. Қолаверса, касбга ўқи-
тиш меҳнат бозоридagi талаб-
дан келиб чиқиши зарур. Фуқа-
рони фақат сертификат билан
эмас, даромад келтирадиган
касб билан таъминлашда нати-
жа яққол кўзга ташланади. Зеро,
аниқ мақсад билан қилинган
ҳаракат, албатта, муаммоларга
муносиб ечим бўлади.



Сенат
тадбиркорларнинг
банк ҳисобрақамлари
бўйича операцияларни
тўхтатиб туришнинг
янги тартибини
маъқуллади.



КРЕДИТЛАР ВА
МИКРОҚАРЗЛАР
РЕКЛАМАСИДА
эндиликда молиявий
хавф-хатарлар ҳақида
огоҳлантириш ҳам
бўлади.



Ўзбекистонда
дивиденд ва
облигациялар бўйича
СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ
2038 ЙИЛГАЧА
УЗАЙТИРИШ
режалаштирилмоқда.

2026 йил
15 АВГУСТ,
ШАНБА

Mahalla №65

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

ҚАШҚАДАРЁ



СОЛИҚЧИНИНГ ЭНГ КАТТА МЕЗОНИ —

ВИЖДОН!

Отам ҳар гал
ишга кузатаётиб,
дуо қилганла-
рида бир гапни
такрорлайдилар:
“Болам, виждо-
ннингн йўқотма.
Инсоннинг энг
катта бойлиги —
виждон!”.

Мен
бу гапни шунча-
ки ота насиҳа-
ти деб эмас,
касбимдаги энг
катта мезон, деб
қабул қилган-
ман.

Шавкат ШОЙИМОВ,
Қамаши туманидаги “Чим”,
“Тўқбой”, “Узун”, “Работ”,
“Сарбозор” маҳаллалари
солиқ инспектори.

Солиқчи бўлиб ишларкан-
ман, одамларнинг дардини
ҳам, ташвишини ҳам кўраман.
Кимдир янги иш бошлаган,
кимдир ерини ўзлаштиряпти,
яна кимдир йил-
лар давомида қилган меҳнати
билан оиласини тебратяпти.
Шунинг учун
бугун солиқчи фақат талаб қилувчи
эмас, кўмакчи бўлиши керак,
деган қараш менга жуда яқин.
Маҳаллага чиққанимизда ҳам
фуқарога “нима учун
тўламадингиз?”, дейишдан ол-
дин “қандай ёрдам бера оламан?”,
деган саволни бераман.

Масалан, маҳаллаларда ер маса-
ласи билан боғлиқ мурожаатлар тез-
тез учрайди. Айниқса, янги ерларни
ўзлаштириб, боғ ёки тоқзор барпо
қилаётган айрим фуқаролар ўзлари-
га тегишли солиқ енгилликларидан
беҳабар. Баъзан шундай ҳолатларга
дуч келамиз: фуқаро ерга қанча маб-
лағ сарфлаши, қўчат экиши, суғориш
таъминини йўлга қўйиши ҳақида ўй-
лайди-ю, шу ер учун қонунда қандай
имтиёз борлигини билмайди. Биз эса
ҳужжатларини кўриб, ернинг мако-
мини аниқлаб, амалдаги тартибни
тушунтирамиз. Чунки янги ўзлашти-
рилаётган ерлар белгиланган шарт-
лар асосида ўзлаштириш даврида ва
кейинги 5 йил давомида ер солигидан
озод қилиниши, янги боғ, тоқзор ва
тутзорлар барпо этилган ерларга эса
5 йил давомида 50 фоиз қамайтирил-
ган ставка қўлланиши мумкин. Маҳал-
ладаги ишимизнинг бир жиҳати ҳам
мана шу — одамлардан фақат солиқ
талаб қилиш эмас, аввало, уларнинг
қонуний ҳуқуқ ва имкониятларини ту-
шунтириб, ишини енгиллаштириш.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Аммо ишнинг бошқа то-
мони ҳам бор. Текширувда
камчилик аниқланиб, қонун-
чиликка мувофиқ солиқ ҳи-
собланган пайтлар учрайди.
Шунда айримлар: “Шу сум-
мани сал қамайтириб қўйинг,
бизни қийнаманг”, дейди. Яна
“Ҳеч ким билмайди”, деган
гаплар ҳам бўлади. Мен бун-
дай пайтда уларнинг ахволи-
ни тушунмасликка ҳаракат
қилмайман. Аксинча, унинг
нима сабабдан шундай илти-
мос қилаётганини ўйлайман.
Балки оиласи катта, балки
иши юришмай қолган, балки
кутилмаган ҳаражат чиқиб
қолгандир.

Лекин бир нарсани ҳам
унутмаслик керак: солиқ-
ни асоссиз қамайтириш бир
кишига ёрдам бериш эмас,
бошқаларнинг ҳаққига ара-
лашишдир. Чунки бюджетга
тушиши керак бўлган маблағ
ҳам охир-оқибат халқнинг
маблагини. Мактаб, йўл, тиббиёт,
ободонлаштириш, ижтимоий
ёрдам — буларнинг барчаси
умумий маблағ билан боғлиқ.
Шу жойда одам ўзига од-
дий савол бериб кўрса яхши:
“Мен бугун олган енгиллигим
эвазига кимнингдир ҳаққига
дахл қилмаяпманми?”



Мен учун қонун
устуворлиги билан
инсонийлик бир-
бирига қарши тушунча
эмас. Инсонийлик
— қонунда бор
енгилликни кўрсатиш,
хатони тузатиш
йўлини тушунтириш,
муаммонинг қонуний
ечимини топишга
ёрдам беришдир.

Қонунда йўқ нарсани эса
“илтимос”, “танишлик” ёки
“ҳеч ким билмайди”, деган
гаплар билан пайдо қилиб
бўлмайди. Чунки солиқчи-
нинг ҳар бир қарори кўри-
нади. Энг муҳими, баъзан ҳеч
ким кўрмаган қарорни инсон-
нинг ўзи кўради. Мен эса ҳар
қуни ишдан қайтганимда бир
нарсани ўйлайман: “Бугун
қилган ишимни отамнинг кў-
зига қараб айта оламаними?”

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Бундай ҳолатни оддий бир
хато деб қараш қийин.
Марказий банк маълумотига кўра,
фирибгарлар таъсирида фуқаро-
лар кредит олиш учун ариза бер-
ган, аммо белгиланган қўшимча
тасдиқлашдан ўтмагани ва кредит
маблаглари ишлатилмагани са-
бабли 316,1 миллиард сўм маблағ
кредит ташкилотларига қайтарил-
ган. Бу рақамнинг ўзи ҳам муаммо
тасодиқий эмаслигини кўрсатади.

Аслида, фирибгарларнинг
қучи фақат техникада эмас. Улар
одамнинг шошқалоқлиги, қўрқу-
ви ва ишонувчанлигидан фойда-
ланади. “Картангиз блокланади”,
“ҳисобингиздан пул ечилмапти”,
“кредитни бекор қилиш учун код-
ни айтинг” каби гаплар одамни
ўйлаб қўришга қўймайди. Ай-
ниқса, банк хизматларидан кам
фойдаланадиган кекса фуқаролар
ёки рақамли саводхонлиги унча
юқори бўлмаган одамлар бундай
вазиятда осон чалғиши мумкин.
Марказий банк ҳам сохта профил-
лар, шубҳали ҳаволалар, зарарли
иловалар ва бир марталик тас-
диқлаш кодларини қўлга киритиш
орқали фуқаролар зарар кўраёт-
ганидан огоҳлантирган.

СОЛИҚ МАСЛАҲАТИ

БИР ХАРАЖАТНИ ИККИ МАРТА ҲИСОБЛАМАНГ!

Тадбиркорликда баъзан “пул сарфладим,
демак, харажатга ёзаман”, деган қараш
учраб туради. Лекин солиқ ҳисобида
ҳамма харажатни бирдан фойдадан
чиқариб бўлмайди.



Рустамжон АБДУСАМАТОВ,
Қибрай туманидаги
“Май” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Масалан, дўкон, цех ёки ишлаб чиқариш
жойини кенгайтириш, қайта қуриш, модерни-
зация қилиш ёки янги ускуна ўрнатиш учун
сарфланган маблағлар оддий кундалик хара-
жат эмас. Бундай харажатлар асосий восита
қийматига қўшилиши керак.
Яна бир ҳолатга эътибор бериш керак:
асосий воситага инвестициявий чегирма қўл-
ланган бўлса, ўша сумма бўйича кейинчалик
яна амортизация ҳисоблаб, харажатга киритиш
мумкин эмас. Акс ҳолда бир пул икки марта ха-
ражатга ёзилиб қолади.

Шунинг учун катта харажат қилганда уни
шунчаки “харажат”, деб ёзиб қўймасдан, бу
маблағ нимага сарфлангани ва солиқ ҳисобида
қандай акс этирилишини олдиндан текшириб
олиш фойдали.

БИЛИМ ВА ИНТИЛИШ БЎЛМАСА, ИМТИЁЗ БОРЛИГИНИ ҲАМ БИЛМАС ЭКАНМИЗ...

Уйимизда сув масаласи
анчадан бери муаммо эди.
Айниқса, ёз кунлари қудуқ
суви қамайиб, насос ҳам
аранг ишларди. Ичимлик
сувини эса ташқаридан олиб
келишга тўғри келарди.

Алийбек АЛИМБОВЕВ,
Қораўзақ туманидаги
“Қуралпа” маҳалласи.

Харажатнинг ўзи бир масала,
чекка ҳудудда сув ташишининг
оворагарчилиги яна бир масала.
“Бир қуни қудуқ қаздириб, масалани
бир йўла ҳал қиламиз”, деб юра-
дик, лекин бунга ҳам маблағ керак.
Маҳаллага солиқ масалалари
бўйича келган ходим билан гапла-
шиб қолдик. Сув муаммосини айтга-
нимизда, у шунчаки “қудуқ қазди-
ринглар”, демади. Оилангиз Ижти-
мий реестрга киритилган бўлса,
бундай харажатнинг бир қисmini
давлат қўллаб берадиган субсидия
борлигини тушунтирди. Тўғриси,
аввалига бунга унчалик ишонмадик.
“Қайси идорага борамиз, қанча ҳуж-
жат керак, яна оворагарчилик бўл-
майди?”, деган саволлар кўп эди.
Солиқчи эса йўл-йўриғини аниқ
тушунтириб берди. Қорақалпоғис-
тон ва Хоразмда Ижтимоий реестр-

БИР МАСЛАҲАТ — БИР ЕЧИМ



га киритилган оилаларга хонадо-
нида артезиан қудуғи қазиб, сув
насоси ва ичимлик сув филтрлари-
ни сотиб олиш ҳамда ўрнатиш хара-
жатларининг 90 фоизигача, бироқ
БХМнинг 30 бараваридан ошмаган
қисми субсидия қилинишини айтди.

Яна бир муҳим жиҳатини ҳам билиб
олдик: бу ишларни шунчаки истал-
ган устага топшириб бўлмас экан,
хизматни тегишли реестрга кири-
тилган тадбиркор бажариши керак.
Шундан кейин ишимиз анча ой-
динлашди. Керакли тартибда муро-
жаат қилиб, хонадонимиз учун қудуқ
қаздириш ва насос ўрнатиш маса-
ласини бошладик. Авваллари бир
челак суви тежаб ишлатган ҳовли-
мизда бугун сув масаласи анча ен-
гиллашди. Энг муҳими, “бунинг уд-
дасидан қандай чиқамиз?”, деган ўй
ўрнига, муаммонинг қонуний ечими
борлигини билдик.

Баъзан зарур ёрдамнинг ўзи
йўқ эмас, фақат одам унинг қаерда-
лигини билмайди, холос. Бизга эса
айнан шу йўлни кўрсатиб берган
маслаҳат катта иш бўлди. Солиқчи-
дан олган оддийгина йўл-йўриқ хо-
надонимиздаги анчадан бери қўзи-
либ келаётган сув муаммосини ҳал
қилишга туртки берди.

Саҳифани
“Mahalla” мухбири,
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



Лекин фақат “фирибгарлар-
дан эҳтиёт бўлинг”, дейиш билан
масала тугамайди. Чунки бугун
шахсий маълумотнинг ўзи ҳам
молиявий хавфсизлик масаласи-
га айланган. Шу сабабли қонун-
чиликда фуқаронинг ўз номидан
кредит расмийлаштирилишининг
олдини олиш учун аниқ ҳимоя
чораси белгиланган. Жисмоний
шахс ўзининг иштирокисиз ёки
хабарисиз кредит битими тузили-
шини тақиқлаши мумкин. Бунинг
учун тегишли аризани “my.gov.uz”
орқали, Давлат хизматлари мар-
кази ёки Кредит бюроси орқали
бериш мумкин. Ариза олингач,
фуқаро кредит битими тузиши
тақиқланган шахслар реестрига
киритилади. Кейинчалик кредит
олиш зарур бўлса, тақиқни олиб
ташлаш ҳам мумкин.

Бу ерда энг муҳим жиҳат
шуки, мазкур тақиқ кредит
олишни бутунлай ёпиб қўймай-
ди. У фуқаронинг хоҳишига кўра
ёқилади ва ўчирилади. Демак,
ҳозир кредит олиш режангиз бўл-
маса, номингиздан бегона одам
кредит расмийлаштирилишининг
олдини олиш учун ҳимоя чораси
сифатида фойдаланишингиз мум-
кин. Кейин эҳтиёж туғилса, тақиқ-
ни бекор қиласиз.



Ҳозир бу имкониятдан
фойдаланаётганлар
сони ҳам оз эмас: 2026
йил 1 январ ҳолатига
438 минг 322 нафар
фуқаро ўз номига кредит
расмийлаштирилишини
ихтиёрий равишда
тақиқлаган. Бу эса одамлар
муаммони фақат бошига
тушгандан кейин эмас,
олдиндан ҳам ўйлай
бошлаганини кўрсатади.

Шу ўринда оддий бир ҳақиқат
бор: уйимизни қўлфлаймиз, теле-
фонимизга парол қўямиз, лекин
шахсий ва молиявий маълумот-
ларни ҳам худди шундай асраш
кераклигини баъзан унутамиз.
“SMS” орқали келган кодни ҳеч
кимга айтмаслик, нотаниш ҳаво-
лани очмаслик, банк номидан
қўнғироқ қилган одамнинг гапига
дарҳол ишонмаслик — энг оддий
синоплар. Номига кредит олишни
олдиндан тақиқлаш эса шулар-
нинг устига қўшилладиган яна бир
ҳимоя воситаси.

Чунки фирибгар бир неча
дақиқада ишини битириши мум-
кин, лекин унинг ортидан қола-
диган қарз ва ташвиш одамнинг
ойлар, ҳатто йилларини олиши
эҳтимоли бор. Шунинг учун хавф-
ни муаммо келгандан кейин эмас,
келишидан олдин тўхтатиш энг
тўғри йўл.



Ўзбекистонда
ЭКСТРЕМИЗМ УЧУН
ЖАЗО қайта кўриб
чиқилади ва унинг
таърифиға аниқлик
киритилади.



Навоий вилояти
ИИБда хизмат олиб
бораётган ИНСПЕКТОР-
ПСИХОЛОГЛАР
ИШТИРОКИДА ЎҚУВ-
СЕМИНАР ташкил
этилди.



Қарши шаҳар
ҳокимлигида
янги шаклдаги
“АҚЛЛИ ШАҲАР”
ВАЗИЯТЛАР МАРКАЗИ
фаолиятини бошлади.

8

Mahalla

№65

2026 йил
15 АВГУСТ,
ШАНБА



“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА,
ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

“ЕТТИЛИК”

ТИНЧЛИК ФАҚАТ
ИНСПЕКТОР ВАЗИФАСИ ЭМАС,
ДЕГАН ҚАТЪИЙ ФИКРДА

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

МУЛОҲАЗА

ТАРМОҚ БЕЗОРИСИГА
КЕСКИН ЖАЗО МУҚАРРАР!



“Бир болага етти маҳалла — ота-она” деган нақл
замирида ҳаётӣ ҳақиқат ётади. Чиндан ҳам,
анъаналаримизга кўра, ёшлар тарбияси ва ҳудуд
тинчлиги учун фақатгина бир оила эмас, балки
қўшнилар, қариндошлар ва атрофдаги барча
катталар ўзларини бирдек дахлдор ҳисоблашади.

Қувондик ДЎСТНАЗАРОВ,
Урганч шаҳридаги
“Истиқлол” маҳалласи
профилактика
инспектори.

Ушим хизмат қилаётган
маҳаллада мана
шу қадриятларни замонавий
профилактика тизимини
билан уйғунлаштиришга
ҳаракат қиляпман. “Тинчлик
ва хотиржамлик фақатгина
инспекторнинг вазифаси эмас”,
деган фикр “еттилик”нинг
шиориға айланган. Дарҳақиқат,
ҳамжихатлик бўлмаса, биргина
менинг ҳаракатим билан
натижаға эришиш қийин. Шу
боис, бир тану бир жон бўлиб,
“Чилонзор таърибаси” асосида
кенг қамровли тадбирларни
изчил амалға оширяпмиз.
Ижтимоий профилактика
йўналишида тасдиқланган
манзилли “йўл харитаси”
биз учун яқин кўмакчи
бўляпти. Асосий эътиборни
войаға етмаганлар, ёшлар,
аёллар ўртасида ҳамда оила-
турмуш муносабатлари дои-
расидаги жиноятчиликни
жиловлашға қаратганмиз.
Бунинг натижасида
ҳудудда жиноятчилик ва
ҳуқуқбузарликлар кўрсаткичи
кескин камайти.



Ушбу сон саҳифаларидаги
барча мақолалар матнини
мусахҳиҳ
Феруза ФУЗАЙЛОВА
ўқиди.

таъсир кўрсатар эди. “Еттилик”
билан муаммони жойида
ўргандик. Профилактик
суҳбатлар ўтказиш билан
чекланиб қолмай, фуқаронинг
доимий даромад манбаиға
эға бўлишиға кўмаклашдик.
Хунари ва қизиқишини ҳисобға
олиб, унга имтиёзли кредит ва
зарур ускуналар ажратилди.
Натижада хонадонда кичик
ишлаб чиқаришни йўлга
қўйдик. Оила нафақат моддий
фаровонликка эришди, балки
нотинчлик барҳам топди. Бу биз
учун шунчаки битта рақам эмас,
балки сақлаб қолинган бир
бахтли оила демакдир.



Давр талабидан келиб
чиқиб, рақамлаштириш
қамровини сезиларли
даражада оширдик.
Кўчаларнинг кириш
ва чиқиш қисмлариға
замонавий қузатув
камералари ўрнатилиб,
аҳоли “Менинг
инспекторим” мобиль
иловасиға уланди. Бу
эса ҳудуддаги вазиятни
туну кун назорат қилиш
ва хавфсизликни
таъминлаш имконини
беряпти.

Шунингдек, замонавий
таҳдидларнинг олдини олиш
мақсадида таълим муассасала-
рида ёшлар ўртасида кибержи-
ноятлар (интернет фирибгар-
лиги, пластик карталардан пул
ўғрилаш)ға қарши курашиш-
ға доир кенг қамровли тарғи-
бот-ташвиқот ишларини мунта-
зам олиб боряпмиз.

Бир сўз билан айтганда,
“жиноятчиликдан холи ҳудуд”-
ға айлантириш бўйича қўрила-
ётган чора-тадбирлар амалий
натижасини беряпти.



ТАҲЛИЛ

ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИ —
ЖАЗОЛОВЧИ ТУЗИЛМА ЭМАС

Хато қилганлар тўғри йўлга
қайтмоқда

Ҳар бир инсон
ҳаётда нотўғри
йўлни танлаб,
адашиши мумкин.
Муҳими — жазо
муддатини ўтаёт-
ган ўша шахснинг
соғлом ҳаётға қай-
тишидир. Ички
ишлар тизимидаги
масъулиятли соҳа-
лардан бири —
пробация хизмати-
дир. Аниқланган
рақамлар ортида
инсон тақдири,
оилалар хотир-
жамлиги, маҳалла
ва юрт осойишта-
лиги ётади.

Мақсадбек ФАЙЗ.

— Бор-йўғи 92 нафар про-
бация ходими билан бутун
вилоят миқёсидаги 12 797 на-
фар назорат остидаги шахс-
ларни тулик назорат қилиш
осон эмас, — дейди Тош-
кент вилояти ИИББ Проба-
ция бошқармаси бошлиғи
Санжар Ўктамов. — Шу боис
соҳаға замонавий техноло-
гиялар шиддат билан кириб
келмоқда. Қолаверса, маҳал-
лалар билан ҳамкорлик, “ет-
тилик” ходимларининг кўмаги
катта бўлмоқда.

Айниқса, вилоят вазиятлар
марказидаги “Хавфсиз шаҳар”
тизиммиға уланган қузатув ка-
мералари орқали озодлик-
ни келаш жазоси берилган
шахслар назорати анча осон-
лашди. Агар маҳкум “мени ҳеч
ким кўрмайпти”, деб белги-
ланган вақтдан ташқари кўча-
ға чиқса, тизим уни автоматик
аниқлаб, хабар йўллайди.



Узоқ ҳудудларда яшовчи маҳкумлар-
нинг телефон ёки планшетиға махсус
дастур ўрнатилган. Белгиланган вақтда
алоқаға чиқилганда, тизим маҳкумнинг
жойлашувини яшил белги билан тас-
диқлайди. Назоратдаги шахслар қайта жи-

ноят содир этиш хавфиға кўра “қизил”, “са-
рик” ва “кўк” тоифаларға ажратилади. Энг
хавфли ҳисобланган “қизил” тоифадагилар
билан тезкор қидирув ходимлари алоҳида
профилактик иш олиб боради. Хизматнинг
асл мақсади — жазолаш эмас, тузатишдир.

Дарҳақиқат,
пробация сўзининг
замирида синов ва
тузалиш йўлиға
кириш маъноси
ётади. Асосий
эътибор — уларни
меҳнатға жалб қи-
лиш, ижтимоий
мослаштириш
орқали қайта жи-
ноят содир этили-
шининг олдини
олишдир. Мана шу
тизимли ва мақ-
садли ҳаракатлар
натижасида рес-
публикада жорий
йилнинг олти ойи-
да назоратдаги
шахслар қайта жи-
ноят содир этиши
сезиларли даража-
да камайти.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмасининг ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY
NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарк» НМАК
босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 359 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-820

